

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**  
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ  
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**  
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА  
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**  
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI  
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**  
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ  
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН  
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ  
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**  
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Ergo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**  
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....562
- 75.Қурбонов Э.Э.**  
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**  
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**  
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ  
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**  
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН  
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


<b>80.Холмўминов Ҳ.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
<b>81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
<b>82.Ўтанов Х.Ш.</b> XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
<b>83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.</b> ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
<b>84.Юлдошева Б.М.</b> XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
<b>85.Ғаффоров Я.Х.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
<b>86.Шайдуллаева Г.Ш.</b> БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
<b>87.Yakubova Sh.A.</b> O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Қобулов Э.,  
тарих фанлари доктори  
Ражабова С.,  
жаҳон тарихи кафедрасининг ўқитувчиси

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ

*For citation: Kabulov E., Rajapova S. GREAT SHARES OF THE LABORERS OF SURKHAN VALLEY DURING WORLD WAR II. Look to the past. 2020, SI, pp.541-547*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-71>

### АННОТАЦИЯ

Инсоният тарихида мудҳиш ва аламли из қолдирган давр бу иккинчи жаҳон уруши йилларидир. Мазкур даврда биронта ўзбек хонадони йўқки ундан жабр тортмаган бўлса. Ўзбек халқининг асл фарзандлари фронт ва фронт ортида кўрсатган жасоратлари неча авлод вакилларига ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилади. Урушнинг суронли йилларида Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги жасоратлари таҳсинга лойиқ. Авваломбор фронтга кетган эркаклар ўрнини эгаллаган ўсмир ва хотин қизлар фаолиятида нафақат меҳнат балким, юсак инсонпарварлик, меҳрибонлик тимсоли фронтчи жангчилар оиласига кўрсатган беминнат ёрдамида, воҳага эвакуация қилинган уруш гирдобиди ёнаётган ўлкалардан келган ёш болалар ва инсонларга охириги бурда нонини баҳам кўриши мисолида

**Калит сўзлар:** фронт, галаба, эвакуация, ҳарбий заём, агросаноат, пахта тозалаш заводи, станок, олтин медальон, тилло узук.

Қобулов Э.  
доктор исторических наук,  
Ражабова С.  
преподаватель кафедры Мировой истории

## ВЕЛИКИЙ ВКЛАД ТРУЖЕННИКОВ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

**АННОТАЦИЯ**

Годы Второй мировой войны это следы ужаса, боли и страданий в истории человечества. В этом страшном периоде не было ни одной узбекской семьи, которая не претерпела бы последствия гнёта войны. Подвиг истинных узбекских сыновей, проявленные в тылу и на фронте, до сих пор служат и будут служить ярким примером мужества и отваги для последующих поколений нашего народа. В этом смысле трудовой подвиг жителей Сурханского оазиса в суровые и тяжёлые годы достоин похвалы. Прежде всего здесь восхваляются не только труд юношей и девушек, которые заняли в тылу места мужчин, ушедших на фронт, но и безвозмездная и благородная их помощь семьям фронтовиков, и которые делились последним куском хлеба с их детьми, вывезенных из пучины войны, и это милосердие и доброта являются высоким образцом и наглядным примером гуманности тыловиков Сурханского оазиса.

**Ключевые слова:** фронт, победа, эвакуация, военный заём, агропромышленность, хлопкоочистительный завод, станок, золотой медальон, золотое кольцо.

**Kabulov E.**

Doctor of History Science

**Rajapova S.**

A teacher of world history chair

**GREAT SHARES OF THE LABORERS OF SURKHAN VALLEY DURING WORLD WAR II****ABSTRACT**

Second World War years is a period when sorrowful and distressful time was in the history of humanity. At that time all Uzbek people suffered from oppression and suffering. Boldness of Uzbeks in the battles and back the battles has been becoming examples for every young generation. It's praising thing that laborers of Surkhan valley did courage at the back of battle. Women and teenagers did not only houseworks but also they proved their humanity and heroism by looking after the children who were evacuated from other during the War.

**Index Terms:** battle, victory, evacuation, military loan, agroindustry, cotton cleaning factory, machine, golden medallion, gold ring.

Долзарблиги. Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалаба жон олиб жон берган жангчининг жасорати, балким фронт ортида меҳнат қилган кексалар, хотин-қизлар ва ўсмирларнинг фидокорона меҳнати натижаси ҳамдир. Уруш йилларида барча Ўзбекистонликлар сингари Сурхон воҳаси меҳнаткашлари ҳам нафақат меҳнат frontiда, балким инсонийлик ва бағрикенгликда ўзларини кўрсата олдилар. Урушнинг биринчи кунидан фронтга сафарбар қилинган эркаклар ўрнини кексалар, хотин-қизлар ва ўспирин ёшлар эгалладилар. Улар нафақат меҳнат қилдилар балким буюк инсоний фазилатларини ҳам намоён қилдилар. Энг аввало фронтчи оилаларнинг фарзандлари нафақат давлат, балким хизматдош инсонлар ва қўни-қўшниларнинг меҳрибонлигини ҳис қилдилар.

Уруш кетаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган инсонлар, қариялар, ёш-болалар ўзбек оиласининг иссиқ тафти ва инсонийлигини ҳис қила оладиган

даражадаги ҳолатнинг шоҳиди бўлдилар. Фронт ортида меҳнат қилаётган меҳнаткашлар фронт учун ғалаба учун пул, зебу-зийнат буюмлари, турли хилдаги мевалар, кийим-кечаклар тўплаб жўнатдилар ва ғалабага ўз ҳиссаларини қўша олдилар.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани ёритишда тарихий-хронологик, изчиллик ва қиёсий тарихий таҳлил усуллари қўлланилган ҳолда иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортида кўрсатган фидокорона меҳнати ҳамда эвакуация қилинган болалар ва турли миллат-элат халқларига нисбатан кўрсатган бағрикенглигига доир маълумотлар айнан ўша давр даврий матбуотлари саҳифаларида эълон қилинган маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

3.Тадқиқот натижалари:Иккинчи жаҳон урушнинг оғир суронли йилларида Сурхондарё аҳли бутун куч ғайратини, қалб қўрини ғалабага бағишладилар. Фронтдаги ғалаба кўп жиҳатдан фронт орқасида кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан бутун куч ва имкониятларини ишга солган меҳнаткашларга боғлиқ эканини кишилар чин дилдан ҳис этар эдилар.

Айниқса ўзбек халқининг асосий маънавий-ахлоқий хусусиятлари, унинг инсонпарварлиги ёрқин намоён бўлди. Ўзбекистоннинг Республикаси президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, "Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди..."[1, Б.396 ].

Вилоят меҳнаткашларининг мудофаа фондларини вужудга келтиришда, давлат ҳарбий заёмларига ёзилишда, иссиқ кийимлар тўплаш, фронтга посилкалар жўнатиш, фронтчи оилаларга ёрдам беришда, эвакуация қилинган болаларни ўз бағриларига олишда, болалар уйлари ва мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатишда қилган хизматларида буни кўршимиз мумкин.

Урушнинг дастлабки паллаларида, душманнинг қўли устун келиб, мамлакатнинг иктисодий аҳволи анча оғирлашди. Фронтда жон олиб, жон бераётган жангчининг озиқ-овқат ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжи қониқтирилмай қолди. Бундай ҳолатдан чиқишнинг бирдан-бир йўли меҳнаткашлар ёрдами эди.

Меҳнаткашларнинг истаги ҳисобга олинган ҳолда, жойларда жанг-чиларга иссиқ кийимлар ва турли хил совғалар қабул қилувчи пунктлар ташкил килинди. Ушбу хайрли ишда Сурхондарё агросаноат мажмуаси корхоналаридан биринчи бўлиб Термиз пахта тозалаш заводи фронтга посилкалар жўнатиш ишини бошлаб берди. Шу завод ишчиси Александра Андреева бу ишда ҳаммага бош-қош бўлди. Унинг ташаббуси билан 1000 сўмдан ортиқ пуллик буюмлар посилка килиб жўнатилиди[5].

Максим Горький номидаги Тошкент фабрикаси коллективининг жангчиларга янги йил совғалари тўплаш ташаббусини вилоят толачилари ҳам қўллаб-қувватладилар. Термиз пахта тозалаш заводининг ходимларидан А.Асенная шундай ҳикоя килади: "Заводдаги барча хизматчилар ишчилар йиғилишиб, фронтга жангчиларга янги йил совғаси жўнатиш учун буюмлар ва мевалар, аёллар томонидан тўқилган қўлқоплар, пайпоқлар ва рўмолчалар жўнатдик"[10, Б. 29].

Бутун мамлакатда бўлган сингари вилоятда ҳам мудофаа фондларига нима биландир ёрдам бериш ҳаракати оммавий тус ола бошлади. Урушнинг дастлабки ойларидаёқ мудофаа фондларини бойтишга ундовчи чақириқлар қабул қилина

бошлади. Вилоятдаги барча саноат корхонлари, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда маориф ва маданият масканларида ўтказилган йиғилишлар сўнгида мудофаа фондларида моддий ёрдам бериш ҳаракатлари ниҳоятда авж олиб кетди. Чунки ўша даврида ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган ортиқча маҳсулот ва фронтга кўрсатилган моддий ёрдам галабага олиб борадиган асосий тамойиллардан бири эканлиги ҳақидаги ақида устивор ақидага айланганди.

Ана шу ақидага амал қилиб Термиз пахта тозалаш заводи ишчилари, темир йўл депоси ишчи ва хизматчилари милиция ходимлари, вилоят алоқа хизмати ходимлар ва кўплаб жамоа хўжаликларининг ишчи ва хизматчилари ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини мудофаа фондларига ўтказдилар.

1941 йил 20 октябргача бўлган давр мобайнида вилоят меҳнаткашлари мудофаа фондига 609 минг сўм нақд пул 3274 сўмлик заём облигацияси, 194 кг асал, 176 центнер гўшт, 1926 кг жун ва 4871 дона тери топширган бўлса, шу йилнинг 11-декабргача бўлган давр мобайнида мудофаа фондларига топширилган пул миқдори 2640000 сўмга етди[4].

Воҳанинг саҳий меҳридарё инсонлари Ватан мудофаасининг ташкил қилишда қимматбаҳо тақинчоқларини ҳам аямасдан мудофаа фондларига топширдилар. Жумладан термизлик Тухфатулина ва Трупинлар олтин узук, Семикина ва Сааковалар занжири билан олтин медалион, уй бекаси Истомина олтин соат, Жиганова олтин билакузук, Шеробод тумани марказий касалхонасининг шифокори К.М. Тушинова 2 дона тилло узук, шу туманнинг Сепилон қишлоқ кенгашига қарашли С.М.Киров номли жамоа хўжалиги аъзоси Улдан Болтаева эса отаси келинлик сепига қўйган тилло узугини мудофаа фондига топширди[7].

Мудофаа фондларига маблағ топширишда вилоятда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшди. Ушбу ҳаракатдан қариялар, уй бекалари ҳам четдан қолган эмас. Жумладан термизлик нафақахўр Марсанов мудофаа фондига 50 сўм пул топширди. Шунингдек биринчи жаҳон уруш ногирони жангчининг отаси нафақахўр Н. Кондратов душман батамом енгилгунча ҳар ойда оладиган нафақасидан 50 сўм миқдоридаги пулнинг мудофаа фондига ўтказишга қарор қилдилар ёки Шўрчи туманидаги Шўрчи қишлоқ кенгашига қарашли "Ободон" жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган 70 ёшли Мингнор Мелибоев, 67 ёшли Жўрабой Файимов, 68 ёшли Тўра бобо Худойназаровлар жамоа хўжалиги далаларида ишга чиқиб бир кунлик меҳнат ҳақларини мудофаа фондларига ўтказдилар. Денов тумани марказидаги Ленин номли 30 уйда истиқомат қилувчи А.Некрасова, М.Кратова ва бошқа уй бекалари мудофаа фонди учун 1000 сўмлик заёмга ёзилдилар. М.Кротованинг 10 ёшли қизи Нинел эса мудофаа фондига 10 сўм пул топширди[3]. 1941 йил 1 декабрида Термиз темирйўл депоси комсомол ёшларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда "Комсомолская правда" рўзномасини 1941 йил 16 ноябр сонида босилган "Янги қудратли танк колонналари тузамиз" деган бош мақоласи эълон қилинди. Ёш темирйўлчилар вилоятнинг барча комсомоллари ва комсомолбўлмаган ёшларини "Ўзбекистоннинг комсомоли" номидаги танк бўлинмаси қуриш учун пул тўплаш ишининг кучайтиришга фаол қатнашишга чақириб мурожаат қилдилар. Қабул қилинган мурожаатда шундай дейилган: "Биз ўлимга маҳкум бўлган душманнинг гитлерчи одамхўрларнинг тор-мор қилиб ташланишига ишонамиз. Биз биламизки, бунинг учун совет халқининг гигант кучларни ҳаракатга келтириш талаб қилинади. Уруш экан, демак ҳамма нарса ҳам ҳарбийча бўлиш керак. Ҳамма нарса ҳам фронт манфаатларига бўйсундирилиши лозим. Биз темирйўл депоси комсомоллари ва комсомол бўлмаган

ёшлари "Ўзбекистон комсомоли" танк бўлинмаси қурилишига кўпроқ пул тўплаш ҳаракатини кучайтиришга қарор қилдик. Бундан илгари топширилган пулларимиздан ташқари, кўшимча равишда бир кунлик меҳнат ҳаққимизни берамиз ва шу билан Сурхондарё вилоятининг барча комсомоллари ва комсомол бўлмаган ёшларини биздан ўрнак олишга, бу мақсад учун пулининг тўхтовсиз келиб тушишини ташкил қилишда ташаббусчи бўлишга чақирамиз[6].

Термиз темирўл депоси ишчи комсомолларининг "Ўзбек танк колоннаси қурилишига маблағ бериш ташаббусини қўллаган вилоят ёшлари маблағ тўплаш ҳаракатини ниҳоятда авж олдириб юбордилар. Жумладан Сариосиё қишлоқ кенгаши Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги комсомол ёшлари "Ўзбекистон комсомоли" танк бўлинмаси жамғармасига 614 сўм пул ўтказдилар. Шунингдек Денов тумани комсомоллари "Ўзбекистон комсомоли" танк бўлинмаси жамғармасига бир неча кунда 20000 сўм миқдорда пул тўплаб топширдилар. Термиз шаҳар комсомол ёшлари уруш бошлангандан то 1941 йилнинг декабригача бўлган вақт мобайнида 18 маротоба яқшанбалик ўтказиб, ундан тушган 1 млн 800 минг сўм пулни "Ўзбекистон комсомоли" танк бўлинмаси жамғармасига ўтказган бўлса, Жарқўрғонлик ёшлар эса 300000 сўм пул билан жамғармани бойитдилар. Қора олтин соҳибкорлари фронтга кўплаб миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш билан бир қаторда жанговор техникалар қурилишида маблағ жўнатиши ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатди. Жумладан 1943 йилнинг март ойида вилоятнинг "Ворошилов нефть" трестининг ишчи ишчи ва хизматчилари 128800 сўм компенсация пули ва 194100 сўмлик давлат ҳарбий заёми облигацияларини "Совет нефтчиси" самолёти қурилишига юбориб давлат мудофаа қўмитаси раисининг ташакурномасини олдилар[8].

1941-1945 йиллар ичида вилоят хотин-қизлари жангчилар учун 72000 ортиқ кийим, шундан 281таси ярим пўстин, 270 таси пўстин, 709 пуфайка, 1714 та кигиз этик, 1975 та иссиқ пальто, 1770 та иссиқ кийим, 384 та пахта шим тайёрлаб жўнатганлар[2, Б. 14].

Вилоят меҳнакашларининг муҳим инсонпарварлик хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. Маълумки душман босиб олган фронт яқинидаги районлардан 10 минглаб кишилар 1941 йилнинг ёзидаёқ республикамизга кела бошлади. Республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси бу ерга келган фуқароларни меҳмондўстлик билан карши олди. Аҳоли уларга турар-жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охириги бўлак нонини ҳам бўлиб берди, улар учун пойабзал, кийим-бош тўплади. Кўчириб келтирилганларга ёрдам бериш мақсадида Фарғона вилоятидаги "Биринчи май" қишлоқхўжалик артели меҳнаткашларининг ташаббуси билан шаҳарларга дон, сабзавот, картошка, гўшт маҳсулотлари ортилган карвонлар етиб кела бошлади.

Кўчириб келтирилганларни ишга жойлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзига 1941 йил 24 ноябрдан 31 декабригача 37,6 мингдан ортиқ, киши, 1941-1942 йилларда қарийб 240 минг киши жойлаштирилди ва иш билан таъминланди.

Ўзбекистан аҳолиси ота-онасидан ва уйдан ажралган болаларни айникса самимий ғамхўрлик билан қабул қилди. "Сен - етим эмассан!" - ўзбек шоирининг қалб қаъридан отилиб чиққан бу самимий сўзлар бутун ўзбек халқининг ҳаяжонли ҳис-туйғуларини ифодалар эди. Ўзбекистонликлар бахтсиз болаларни ўз қучоғига олиш, уларнинг кўнглини кўтариш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш учун қўлларидан келган, мумкин бўлган ва ҳатто мумкин бўлмаган нарсаларни

ҳам қилдилар.

Кўчириб келтирилган болаларни қабул қилишни тартибли йўсинда ташкил этиш мақсадида республика ҳукуматининг қарори билан 1941 йил октябрда эвакуация қилинган болаларни қабул қилиш учун марказий пунктташкил этилди. Ўша йилнинг декабрида эвакуация қилинган болаларни жойлаштиришга раҳбарлик қилиш учун республика, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари ташкил этилди.

Сурхондарё вилоятида эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш бўйича комиссия 1942 йил 12 январда ташкил этилди. 1942 йилнинг январ ойида Тошкентда Ўзбекистон хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб, унда эвакуация қилинган болалар ва уларни боқиб олган оилаларга ёрдам бериш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Йиғилиш аҳли бутун Ўзбекистон аёлларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Сурхондарёликлар уруш йилларида 20709 нафар турли миллат етимболаларини ўз фарзандлари каби тарбиясига оладилар[2, Б.19]. Бундай бағрикенг аёллар жумласига Х.Жўраева, К.Искандарова, Ю.Галиева, А.Наумова, З.Исокова қабиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Улуғ Ватан уруши йилларида болалар уйлари, интернатлар, боғча ва яслилар тармоғи кескин кўпайтирилди. Вилоятимиздаги 15та болалар уйида 2000дан ортиқ бола тарбияланди[10, Б.34].

Воҳамизнинг меҳнаткашлари тўпланган маблағларни фақат қурол- яроғ учунгина сарфлаб қолмасдан, болалар уйига ҳам молиявий жиҳатдан ёрдам қўлини чўздилар. Масалан, 1942 йилда 188 минг сўмниболалар уйлари жамғармаларига ўтказдилар[11, 1-18 в].

Термиз пахта тозалаш заводи коллективи Термиз шаҳридаги мактабгача тарбия ёшидаги болалар уйини оталиққа олиб, уни ёнилғи, озиқ-овқат ва кийим бош билан таъминлашда яқиндан кўмаклашдилар.

Сурхондарёлик толачилар нафақат эвакуация қилинган, уруш азобини татиган гўдакларни ўз бағрига олиб, уруш даврининг арзимас 600 грамм нон улушини улар билан баҳам кўрдилар. Шу билан бирга фронтга кетган ўз касбдошарининг оилаларига ёрдам беришни ўзларининг бурчи эканлигини англаган ҳолда, уларга яқиндан ёрдам бердилар. Ҳар бир пахта тозалаш заводининг фронтчи оилаларга ёрдам берувчи махсус фондлари мавжуд эди. Масалан, Термиз пахта тозалаш заводининг 1943 йилда 10 минг сўм ёрдам фонди бор эди[9].

Фронтчи оилаларнинг ҳаммаси озиқ-овқат ва ёқилғи билан тўла таъминланди. Оёк-кийим, уст-бош ва бошқа уй-рўзғор буюмлари сотиб олиниб, аҳволи оғир бўлган оилаларига тарқатиб турилди. Уруш йилларида корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари ишчи ва хизматчиларнинг жонига аро кирди. 1941 йилда пахта тозалаш трестининг 48,6 гектар ери, 178 бош қорамоли, 338 майда, 40 турли хил иш бажарувчи (эшак, от, туя) моллари бўлган бўлса, 1942 йилда 489 гектар ери, 168 бош қорамоли ва бошқа моллари мавжуд эди[12, 7в].

Албатта ёрдамчи хўжалиқдан кўнгилдагидек ҳосил олинмаган бўлсада, аммо озгина бўлса ҳам иқтисодий мадад берар эди. Мавжуд ёрдамчи хўжалиқларда етиштирилган маҳсулотлар авваломбор болалар боғчаларига, фронтчи оилаларга сўнгра ишчи ошхоналарига ва ишчиларга бериларди. Болалари кўп бўлган оилаларга фойдаланиш учун кўй ва эчкилар ажратиларди. Масалан, Термиз пахта тозалаш заводи ўз ёрдамчи хўжалигидан 6 сигир ва 2 эчкини кўп фарзандли оилаларга фойдаланиш учун берган.

Завод ишчиси А.Мартинов фронтга кетган, унинг рафиқаси 5 фарзанди билан қолади. Завод бу даврда оилага ёрдам қўлини чўзди. Фарзандларининг 2таси болалар бог.часига бепул жойлаштирилди, оилага энг яхши соғинсигирлардан бири берилди. Завод ишчи ва хизматчилари томонидан фронтчи оилаларга кўрсатилган бундай ёрдамларни мисол тариқасида кўплаб келтиришимиз мумкин. Ўша даврда завод коллективининг фронтчи оилаларга кўрсатган ёрдамни Е.В.Грачева шундай хотирлайди: "Завод ишчиси Гионин фронтга кетгач, унинг хотини болалари билан қолди. Аҳвол оғир, ишчига берилган паёк билан оилани тебратиш қийин. Тонинларнинг аҳволи оғирлигини қурган завод маъмурияти унга соғин сигир берди. Шунингдек уруш даврида завод маъмурияти томонидан белгиланган кишилар фронтчи оилаларнинг аҳволи қандайлиги, уларга нима зарурлиги билан қизиқиб, ҳабар олиб туришарди. Хозир ўша далилларни эслар эканман, инсонларнинг ниҳоятда меҳр-оқибатлилиги, уларнинг иродаси мени ҳайратга солади.600 грамм паёк нон билан 12 соат станок ёнида туриш ва ишдан кейин фронтчи оилалари аҳволи билан танишишга вақт топиш, бу инсондан ирода ва инсонпарварликни талаб этади. Мана шундай инсонлар борлиги учун фронтдаги ғалаба таъминланди ва мамлакат ичкарасидаги кўплаб аҳволи оғир оилалар яшаб қола олди[10, Б.35].

#### 4.Хулосалар:

XX асрнинг даҳшатли ва қирғин-барот уруши саналмиш иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабада сўзсиз, меҳнат frontiда жасорат кўрсатган, юксак инсонпарварлигини намойиш этган ўзбек халқининг сўзсиз хизмати бордир.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

- 1.Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. - Тошкент: Ўзбекистон,2018. - 591 б.
- 2.Авлиёқулов Қ. ва бошқ. Сурхон юлдузлари. -Тошкент, 1995.
3. Илғор Сурхон учун 1941 йил 13 август
4. Илғор Сурхонучун 1941 йил 7 сентябрь
5. Илғор Сурхон учун 1941 йил 7 ноябрь
6. Илғор Сурхон учун 1941 йил 2 декабрь
7. Ленин байроғи 1970 йил 8 май
8. Ленинское знамя 1943 18 февраль
9. Ленинское знамя 1944 3 январь
10. Мирзаев З., Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи.-Термиз: Жайхун, 1996.-86 б.
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45 -фонд, 1-ёзув, 98-ҳужжат, 1-18 бетлар.
- 12.Сурхондарё вилоят давлат архиви. 70-фонд, 1-ёзув, 27-ҳужжат, 7-варақ.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000